

ҲУҚУҚБУЗАРЛИҚДАН ЖАБРЛАНГАН ШАҲСЛАРНИ ИЖТИМОИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИЖТИМОИЙ МОСЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ТУШУНЧАСИ

Ўрақов Жасур Рустамалиевич

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор.*

Омонжонов Камронмирзо Ғайратжон Ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-босқич курсанти.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг дастлабки навбатда хавфсизлик ва тинчликни сақлаш, халқ осойишталигини таъминлаш асосий устувор вазифа ҳисобланиб келмоқда.

Республикамызда истиқдолнинг дастлабки кунларидан бошлаб фуқароларни жиноятчилик, унинг энг қабиҳ ва хавfli тури бўлган уюшган шакллари, диний экстремизм, терроризм, одам савдоси каби офатлар тажовуздан ҳимоя қилиш барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шу жумладан, ички ишлар органларининг энг долзарб ва мураккаб вазифаларидан бири бўлиб қелмоқда. Ўтган давр ичида ички ишлар органларини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантиришни кўзлаб амалга оширилган ислохотлар ички ишлар органларининг мамлакат ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолиятини такомиллаштиришдакатта аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, бугунги кунда бевосита аҳоли турар жойлари, маҳалла, қишлоқ ва овулларда давлатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган турли кўринишдаги тажовузларнинг олдини олиш, кўмаклашувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш орқали уларга қарши курашишда, фуқароларимизнинг ҳуқуқбузарлик ва жиноятлардан жабрланувчи булиб қолишининг олдини олишда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ва давом этаётган ислохотлар натижасида вужудга келган профилактика тизимининг фаолияти аҳамиятга моликдир.

Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ҳамда давом этаётган ислохотлар натижасида профилактика хизматларининг фаолиятини белгилаш ва тартибга солиш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда профилактика хизматлари, шу жумладан ИИО таянч пунктлари ва профилактика (катта) инспекторларининг фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Ички ишлар идоралари профилактика хизматларининг фаолиятини режалаштириш муҳим масалалардан бири эканлиги аниқ белгиланиб, бу борада бир қатор талаблар ўрнатилган. Ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш фаолияти тушунчасига тўхталишдан олдин ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи тушунчасини ёритиб ўтишни жоиз деб билдим.

Реабилитация ва мослаштириш тушунчасини биз ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш таълимоти орқали ўрганамиз.

Реабилитация лотин тилидан “rehabilitation” тиклаш; ҳуқуқбузар ва жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисида таълимот ҳисобланади.

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш алоҳида, мустақил йўналишда бўлган, яъни ҳуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни ўрганувчи таълимот сифатида ўрганилади.

Чунки бу таълимот асосан ҳуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазонт ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни ўрганувчи ва уларга психологик, биологик, педагогик, ижтимоий хусусиятлари, муносабатлари, жиноят содир этилишидан олдин ва ундан кейинги жараёнда тутган ўрнини ўрганиб чиқади ва илмий жихатдан асосланган хулосаларни ишлаб чиқиб, жиноятларни профилактика қилиш фаолиятида кенг қўламда қўлланилиши учун тадбиқ этилади.

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш нафақат ҳуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни ўрганади, балки, бахтсиз ходиса, табиий офат, уруш, геноцид ва бошқа ҳолатлар оқибатида юзага келган жабрланишларни ўз ичига олади.

Жиноятлардан одам ўлдирган жиноятчининг оила аъзолари жабрланиши, масалан, жиноий қилмишни тўхтатишда иштирок этиш вақтида ёки жиноят жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашиш чоғида уларга муайян зарар етказилиши мумкин.

Шуни алоҳида такидлаб ўтиш жоизки, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларидан бири ҳисобланади.

Демак, бу чоратадбир йўналитирилган асосий объект ғайриижтимоий ҳуққ атвори, ҳуқуқбузарликка мойил ёки ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахс ҳисобланади.

Шунингдек, пробация бўлинмаарининг асосий вазифалари этиб, қуйдагилар белгиланди:

- ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш бўйича фаолиятини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда самарали ташкил этиш;

- шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг ҳуққ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

- назорат остидагилар, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган вояга етмаганларнинг ижтимоий мослашуви ва ишга жойлашишига, шу жумладан, уларнинг касбий тайёргарлиги бўйича тадбирларни ташкил этиш орқали ҳар томонлама амалий кўмаклашиш;

- назорат остидагиларнинг қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, уларнинг шахсини ижтимоий-психологик портретни тузган ҳолда ўрганиш.

Профилактика инспектори эса маъмурий ҳудудда истиқомат қилувчи озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахсларни назорат қилиш ва улар билан профилактик тарбиявий ишларни ташкил этиш бўйича юклатилган вазифаларини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш учун эса давлат органлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, соҳавий хизмат ходимлари ҳамда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик қилишлари муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ушбу йўналишда профилактика инспекторлари ҳамкорлиги йўналишлари давлат органи, соҳавий хизмат ёки жамоат тузилмасининг ваколатидан келиб чиқиб белгиланади, жумладан:

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахсларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш борасида амалий ёрдам кўрсатиш жараёнида.

Таълим органлари билан озодликдан махрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм этилган вояга етмаганларга таълим бериш, тарбиялаш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширишда.

Профилактика инспекторининг озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган шахслар билан ишлаш жараёнидага кенг қўламдаги ҳамкорлиги Пробация хизмати билан амалга оширилади.

Жумладан:

-ҳудудда яшовчи озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган шахслар ҳақидаги маълумотлар алмашиш;

-махкумлар билан якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш;

-ҳукмда белгиланган чекловларга риоя қилмаётган ёхуд ундан бош тортган махкумларни аниқлаш, жазони озодликдан махрум этиш жазосига алмаштириш юзасидан тақдимномалар киритиш;

-махкумларга ижтимоий-иқтисодий ёрдамлар кўрсатиш, уларнинг ижтимоий реабилитацияси ва ижтимоий мослаштиришини амалга ошириш;

-махкумларнинг хулқини, уларнинг оила ва маҳаллада юриш туриш қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиш;

-махкумларга маҳалла фаолларидан мураббийлар бириктириш ҳамда уларнинг маҳалладаги муаммоларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2014 ЙИЛ 14 МАЙДАГИ “ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН. 3-МОДДА.

2. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТИ:
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ МУТАҲАСИСЛИГИ УЧУН:
МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

3. Ўрақов Ж. Р. и др. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА
ОШИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ //INNOVATIVE
ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2024. – 2025. – Т. 4. – №. 40. – С. 48-51.

4. Baxramovich B. A. et al. PROFILAKTIKA INSPEKTORINING JAMOAT TARTIBIGA
TAJOVUZ QILUVCHI HUQUQBUZARLIKLARNI OLDINI OLISHDA HAMKORLIGI
//INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2025. – Т. 6. – №. 52. – С. 304-
307.

5. Rustamalievich, O'raqov Jasur. "MAHALLALARNI KRIMINOGEN VAZIYATIDAN
KELIB CHIQQAN HOLDA TOIFALANISHINING TARTIBI VA UNING
HUQUBUZARLIKLARNI OLDINI OLISHDAGI AHAMIYATI." INNOVATION IN THE
MODERN EDUCATION SYSTEM 6.52 (2025): 299-303.

6. Rustamalievich, O'raqov Jasur. "PROFILAKTIKA INSPEKTORINING PROBATSIIYA
XIZMATI BILAN HAMKORLIGI." INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM
6.52 (2025): 308-312.

7. Ўрақов Ж. Р. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва
ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишнинг
муаммолари //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 21. – №. 4. – С. 44-50.